ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ХОННАЗАРОВ РЎЗИМУҲАММАД АБДИҚАҲОРОВИЧ

ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШ

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 342/615.8 (575.1)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Хонназаров Рўзимуҳаммад Абдиқаҳорович
Халқ табобатини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш..... 3

Хонназаров Рўзимуҳаммад Абдиқаҳорович
Правовое регулирование и управление государством народной медициной..... 31

Khonnazarov Ruzimukhammad Abdiqaxorovich
Legal regulation and management of traditional medicine by the state..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……... 61

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ХОННАЗАРОВ РЎЗИМУҲАММАД АБДИҚАҲОРОВИЧ

ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШ

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Yu57 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www._____) ва «_____» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www._____) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи: **Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Турсунов Ахтам Саломович**
юридик фанлар доктори, профессор

Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна
юридик фанлар доктори, доцент

Жўраев Бахром Ишмирзаевич
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz)

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 201_ йил «__» _____ да тарқатилди.
(201_ йил «__» _____ даги «__» рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

Т.И. Тультеев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим йўналиши бўлган халқ табобати соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айни пайтда, дунёдаги 130 га яқин мамлакатда халқ табобати ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг малакали тиббий хизматга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Уставида белгиланган "Соғлиқ миллатнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ҳолатини белгилайди", – деган халқаро ҳуқуқ нормаларини рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

Жаҳонда халқ табобати соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришга оид қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг 2002-2005 йиллар ва 2014-2023 йилларга мўлжалланган халқ табобати соҳасидаги Стратегияси[1], 2008 йилги халқ табобати соҳасини тартибга солишга қаратилган Пекин Декларациясида[2] аъзо мамлакатлар учун соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилган. Шу боис бу соҳада қонунчиликка оид миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатидан самарали фойдаланишга имкон берувчи муқобил тизимни яратишга қаратилган тадқиқотларни амалга оширилиши илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар билан бир қаторда, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган халқ табобатини ривожлантириш, ҳуқуқий тартибга солиш, соҳага оид қонунчилик тизимини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қисқа давр мобайнида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан соҳага оид 130 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, кейинги икки йил ичида Президентнинг соҳага оид 50 та фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди[3]. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.2-бандида келтирилган ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган тамойиллари

[1] Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2002–2005 гг. – Женева: Penata Kerr Design, 2001; Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2014–2023 гг. – Женева: Penata Kerr Design, 2013.
[2] Пекинская декларация / http://www.who.int/foodsafety/fs_management/Beijing.decl.ru. 8.11.2008.
[3] https://www.minzdrav.uz.

ҳам акс этган[1]. Бу эса халқ табобатига оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, ташкилий институционал ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 январдаги «Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-2171-сон Фармони, 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2647-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 405-сон қарори, 2018 йил 27 январдаги «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3968 сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 29.12.2018 йилда 3111-сон билан рўйхатга олинган соғлиқни сақлаш вазирининг 27.11.2018 йилда 54-сон буйруғи билан тасдиқланган) ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш, унинг соғлиқни сақлаш тизимида интеграциялашувини таъминлаш, иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, хавфсизлиги ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларида, жумладан, Қўшимча ва муқобил тиббиёт миллий Маркази (NCCAM)(АҚШ), Фармацевтика коллежи, Чикаго Иллин университети (АҚШ),

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. / strategy.regulation.gov.uz.

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.bvsms.saude.gov.br; www.hc-sc.gc.ca; www.hcsc.gc.ca; www.fda.gov; www.ods.od.nih.gov; www.business.ftc.gov; www.self-medication.org; www.regione.lombardia.it ва бошқа манбалардан олинган.

Биоклиматология, биотехнология ва табиий тиббиёт бўйича илмий тадқиқот Маркази, Милан давлат университети (Италия), Корея анъанавий табобат академияси (КХДР), Хитой халқ табобати академиясининг Акупунктура ва аралаш медицина институти, Доривор ўсимликларни ривожлантириш институти, Клиник фанлар ва информация институти (ХХР), Нянзин Хитой халқ табобати университети (ХХР), Шанхай Хитой халқ табобати университети (ХХР), Китасато институтининг Шарқ табобати тадқиқот маркази (Япония), Тояма тиббиёт ва фармацевтика университетининг Япон Шарқ табобати факультети (Япония), Кюнг Хи университетининг Шарқ ва Ғарб табобати илмий тадқиқот институти (Корея Республикаси), Сеул миллий университетининг табиий препаратлар илмий тадқиқот институти (Корея Республикаси), Халқ табобати институти (Вьетнам), Ҳуқуқий тадқиқотлар ва қонунчиликни ривожлантириш маркази, Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти (Россия), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатларда халқ табобати соҳасини тартибга солиш ва бошқариш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини қўллашни тартибга солишга қаратилган қонунчилик базаси тизимлаштирилган (National Center for Complementary and Alternative Medicine (NCCAM)); халқ табобатининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган (Centre of Research in Bioclimatology, Biotechnologies and Natural Medicine, State University of Milan), паталогик ҳолатларда халқ табобати хизматларидан фойдаланиш шартлари ўрганилган (College of Pharmacy, University of Illinois at Chicago), халқ табобати усулларини қўллашда хавфсизликни таъминлаш мезонлари ишлаб чиқилган (East-West Medical Research Institute), халқ табобати билан замонавий тиббиёт уйғунлигини таъминлаш механизмлари яратилган (Shanghai University of Traditional Chinese Medicine).

Бугунги кунда дунёда халқ табобати соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: халқ табобати соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш; табиий ўсимликлардан тайёрланадиган дори воситаларини ишлаб чиқариш борасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш; биологик фаол қўшимчаларни қўллашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш; биологик фаол қўшимчалар ва ўсимлик препаратлари рекламасини доимий назорат қилиш бўйича кўрсатмаларни яратиш; халқ табобати соҳасида профессионал ташкилотлар ва ассоциациялар тузиш масалалари; халқ табобати бўйича дастурларни ўқитиш тизимининг норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш; халқ табобати соҳасини ривожлантиришнинг истиқболини белгилашга қаратилган

яхлит стратегияни яратиш; халқ табобати ва замонавий тиббиётнинг интеграциясини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда бугунги кунга қадар халқ табобати соҳасини комплекс ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган. Чунки 1926 йилда собиқ Совет ҳукумати томонидан табиблик фаолиятининг расман тақиқланиши бу соҳада ҳуқуқий тадқиқот ишларини олиб боришга мутлақо йўл қўймас эди. Бу даврда дин, халқ табобати ва замонавий тиббиёт ўзаро қарама-қарши нисбатда талқин қилинган[1].

Шундай бўлса-да, маҳаллий ва хорижий олимлар, шифокорлар ва сайёҳлар томонидан халқ табобати маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик юритиши ва урф-одатлари мисолида ўрганилган. Бу борадаги кузатув натижалари матбуот саҳифаларида ҳамда минтақа халқлари ҳаётига бағишланган илмий нашрларда ўз ифодасини топган. Унда халқ табобатининг мистик, эмпирик ва локал хусусиятлари, минтақанинг ўзига хос наботот ва ҳайвонот олами, маҳаллий касаллик турлари ва даволаш йўллари, табибларнинг жамиятда тутган ўрни ва мақоми, касб анжомлари ва ўқитиш жараёнларига тўхталиб ўтилган. Маҳаллий аҳолига мансуб бўлмаган аксарият шифокорлар халқ табобатини замонавий Ғарб тиббиёти билан ўзаро солиштириб, бу ерда табобат қолоқ аҳволда эканлигини қайд этишган. Бунга сабаб сифатида табибларнинг билимсизлиги билан бирга, маҳаллий аҳолининг ўзи ҳам малакали шифокорга бормай, кўр-кўрона табибларга даволанишга мойил эканлигини кўрсатиб ўтишган[2]. Ушбу даврда олиб борилган тадқиқотлар гарчи нохолис, шу билан бирга, тор доирада амалга оширилган ва мавзуни тўла қамраб олмаган бўлса-да, улар халқ табобатига доир муайян қарашлар сифатида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида халқ табобати тарихи ва халқ табобатига оид қўлёзмаларни таржима қилиш билан боғлиқ бир қатор ишлар амалга оширилди. Халқ табобатини тарихий-этнологик аспектда тадқиқ этиш масалаларида тадқиқотлар олиб борилган[3]. Бироқ, халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш билан боғлиқ ишлар деярли олиб борилмади. Шу сабабли, ушбу диссертация халқ табобатини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришга оид масалалар юзасидан амалга оширилган ва монографик тарзда тадқиқ этилган илк тадқиқот иши ҳисобланади.

---

[1] Фозилов И. Медицина табибчиликка қарши курашда. – Тошкент.: Қизил Ўзбекистон, 1963; Каримов В. Медицина динга қарши курашда. – Тошкент.: Медицина, 1965; Азизхўжаев О., Ҳидоятов Ғ. Медицина ва диний хурофотлар. – Тошкент.: Медицина, 1975; Назаров Х., Темиров Ф. Медицина ва диний хурофотлар. – Тошкент: Медицина, 1981.

[2] Лыкошин Н. Сартараш (туземный брадобрей и цирюльник) //Туркестанские ведомости (ТВ). – 1903. - № 75; Рык Б. Бухарские хирурги // ТВ. – 1903. -№ 53; Диваев А. Баксы // ТВ. – 1908. -№ 160; Хожи Муин. Тибб ва ҳифзус-сиҳатда риоятсизлигимиз // Ойна. – 1914. - №3

[3] Огудин В. Аттары – аптекари народной медицины мусульманского Востока // ЭО. – 2001. - №2. – С. 112-130; Табобат дурдоналари / Тузувчи-таржимон, изоҳ ва кўрсатмаларни тайёрловчи М.Ҳасаний. – Тошкент.: Ибн Сино номидаги нашр., 1990. – 367 б.; Жуманазаров Х.С. Ўзбекларнинг халқ табобати билан боғлиқ анъаналари (тарихий-этнологик тадқиқот). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари» илмий тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда халқ табобатини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда халқ табобатига оид муносабатлар иштирокчилари ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи қонунчилик тизимини яратиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

“халқ табобати” тушунчасининг ҳуқуқий мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда халқ табобатининг тарихий-ҳуқуқий ривожланиш босқичларини кўрсатиб бериш;

халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишга оид замонавий концепцияларни таҳлил қилиш;

халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ташкилий ва қонунчилик асосларини таҳлил қилиш;

халқ табобатига оид халқаро стандартлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини амалга ошириш;

халқ табобати соҳасини бошқариш, жамоат тузилмаларини шакллантириш ва ушбу соҳада юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

халқ табобатини ривожлантириш истиқболларини кўрсатиб бериш;

халқ табобатининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда халқ табобатини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети халқ табобати соҳасидаги мавжуд муаммолар, миллий ва хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро стандартлар, илмий адабиётлар, статистик кўрсаткичлар, мавзуга доир ижтимоий сўров натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида тизимлилик, илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, анкета сўровлари ўтказиш, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, социологик ва статистик таҳлил каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ табобати соҳасини самарали тартибга солишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида малакали табиблар, профессионал шифокорлар, халқ табобати соҳасида изланишлар олиб бораётган шахслар, ҳуқуқшунослар ва бошқа касб эгаларидан иборат бўлган Кенгаш ташкил этиш зарурати асослантириб берилган;

табиблар хизматларини илгари суриш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиблар уюшмасини ташкил этишнинг зарурати асослантирилган;

халқ табобати мутахассислари томонидан кўрсатилган тиббий хизматлар оқибати учун қонун ҳужжатларида тиббиёт ходимларига назарда тутилган асос ва ҳажмда жавобгарлик белгилаш зарурлиги асосланган;

халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда амалга оширилиши, бунда халқ табобати мутахассисига тиббий маълумот тўғрисида диплом мавжудлиги талабини қўймаслик зарурати асослаб берилган;

ваколатли орган ҳузурида халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссия тузиш ва Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерфаол давлат хизматлари портали орқали лицензия беришни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ўзбек халқ табобати бой илмий-амалий меросини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш мақсадида жаҳонда тиббиёт илмининг асосчиси, “Авиценна” номи билан танилган Абу Али ибн Сино туғилган Бухоро вилоятининг Пешку тумани Афшона қишлоғида халқ табобати марказини ташкил этиш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқ табобати соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига хизмат қилган;

халқ табобатининг ҳуқуқий асосларини яратишга, сохта табибларнинг фаолиятига чек қўйиш ва аҳолининг халқ табобатига нисбатан ишончининг янада ортишига хизмат қилган;

халқ табобати соҳасида хизмат кўрсатувчи шахслар (табиблар) томонидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби ишлаб чиқилган;

табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланиши ва хавфсизлигининг таминланишига олиб келган;

халқ табобати соҳасига ноқонуний фаолият юритувчи табибларнинг (сохта табиблар) киришига тўсиқ қўйиши мумкин бўлган ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилган;

табиблар фаолиятидан олинадиган солиқ тушумларининг легаллаштирилиши ва давлат бюджети даромад қисмининг сезиларли тарзда ошишига хизмат қилган;

табиблар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳисобига фуқароларнинг даволанишга сарфлайдиган харажатлари ва соғлиқни сақлаш тизимига бўлган босим юкини камайтирган;

замонавий тиббиёт ва халқ табобати ўзининг энг яхши усулларидан оқилона фойдаланган ҳолда бир-бирининг камчиликларини тўлдирган ва соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

халқ табобати ва замонавий тиббиётнинг интеграциялашган тизимини барқарор ривожлантириш, ҳар иккала соҳа вакилларининг ўзаро муносабатларини мақбуллаштириш механизмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг қиёсий таҳлил қилинганлиги, ҳуқуқшунослик фанларида мавжуд бўлган назарий қарашлар, миллий қонунчилик нормалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида илгари сурилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқотда илгари сурилган хулоса ва таклифлар ўтказилган ижтимоий сўровларнинг умумлаштирилган натижаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Фойдаланилган статистик материаллар ва ўтказилган ижтимоий сўровлар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган таклифлар амалиётда жорий қилинганлиги ва ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ушбу тадқиқот ишидан халқ табобатининг ҳуқуқий асосларини яратишга доир илк фундаментал тадқиқот бўлганлиги сабабли ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан конституциявий, маъмурий ва соғлиқни сақлашга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, халқ табобатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш билан боғлиқ мавзуларда янги тадқиқотлар олиб бориш, ҳуқуқшунослик фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда билдирилган таклиф ва тавсиялардан халқ табобатининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш, соҳа вакилларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Шунингдек, соҳа мутахассисларининг давлат соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатининг аҳамияти борасидаги билимларини кенгайтиришда, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ” ва “Тиббиёт ҳуқуқи” фанларини ўқитишда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва тиббий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ табобатини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришга оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

халқ табобати соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга малакали табиблар, профессионал шифокорлар, халқ табобати соҳасида изланишлар билан шуғулланувчи шахслар, ҳуқуқшунослар ва бошқа касб эгаларини жалб қилиш ҳамда табиблар ўз-ўзини бошқарувини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3968-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантириш устувор чора-тадбирлари дастурининг 8 ва 9-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.11.2018 йилдаги, 12/1-3772-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар халқ табобати соҳасини самарали ҳуқуқий тартибга солиш ва табиблар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга хизмат қилган;

халқ табобати мутахассисини тиббий хизмат кўрсатиш натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган асос ва ҳажмда жавобгарликка тортиш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3968-сон Қарорининг 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг 15.11.2018 йилдаги, 01/1-718-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссия тузиш ва унинг интерфаол хизмат кўрсатиши тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги 15-сон Қарори билан Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 4 ва 10-бандларига киритилган ўзгартишларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.02.2019 йилдаги, 12/18-14-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида махсус комиссия тузишга, халқ табобати мутахассисларига лицензия беришни самарали ва қулай ташкил этишга шароит яратган;

ўзбек халқ табобатининг бой илмий-амалий меросини ўрганиш ва янада ривожлантириш мақсадида Бухоро вилоятининг Пешку тумани Афшона қишлоғида Халқ табобати марказини барпо этиш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 350-ф-сон фармойишини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.07.2018 йилдаги, 14/1-350-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф ўзбек халқ табобатини янада кенгроқ ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 4 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 208 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришнинг назарий-методологик таҳлили»** деб номланиб, у уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда “халқ табобати” тушунчасининг ҳуқуқий мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонда халқ табобатининг тарихий-ҳуқуқий ривожланиш босқичлари, халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишга оид замонавий концепциялар тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг **«Халқ табобати» тушунчасининг ҳуқуқий мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган биринчи параграфида асрлар оша инсоният тажрибасидан ўтиб, сайқалланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ табобатидан (даволаш усулларидан) самарали фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида сўз юритилади. Диссертант томонидан мамлакатимизда ҳал қилинмаган ва ўз ечимини йиллар давомида кутаётган муаммолар орасида “тиббий хизмат”, “халқ табобати”, “халқ табобати усуллари”, “халқ табобати дори воситалари”, “табиблик фаолияти” билан боғлиқ масалалар ҳам мавжудлиги, бунда, энг аввало, ушбу

тушунчалар нимани англатади? халқ табобатига нималар киради ва нималар кирмайди?, жамиятда халқ табобати қандай аҳамиятга эга?, халқ табобати замонавий илмий тиббиётдан нимаси билан фарқ қилади?, одамлар нега ва қачон халқ табобатига мурожаат қилади?, халқ табиби замонавий шифокордан ва сохта табибдан нимаси билан фарқланади?, мазкур фаолият билан кимлар шуғулланиши мумкин?, деган саволлар ўртага ташланган ва уларнинг ечимлари ушбу соҳада тадқиқотлар олиб борган олимлар томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида мамлакатимизда халқ табобати соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти ва зарурати очиб берилган. Айни пайтда, қайд этиб ўтилган масалалар, диссертантнинг фикрича, фанлараро характерга эга бўлиб, улар узоқ йиллар давомида нафақат тиббиёт соҳаси вакиллари орасида, балки файласуфлар, этнографлар, психологлар, социологлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа вакиллари ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келганлиги кўрсатиб ўтилади.

Диссертант халқ табобати соҳасига оид сиёсатни ишлаб чиқиш, унинг хавфсизлиги, сифати, самарадорлигини ҳуқуқий баҳолаш ҳамда аҳоли саломатлигини асрашда халқ табобатидан оқилона фойдаланиш каби муаммоли масалаларни ҳал этиш мақсадида, авваламбор, “халқ табобати” тушунчасининг мазмунини, унинг асосида эса халқ табобатининг ҳуқуқий таърифини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келганлигини қайд этади. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан ушбу масалаларга жавоб беришда бир қарашда ҳуқуққа дахлдор бўлиб кўринмайдиган, лекин халқ табобатининг мазмунини ташкил қиладиган асосий таълимотлар ва атамаларнинг моҳиятини таҳлил қилиш зарурлигига эътибор қаратилади. Масалан, ўзбек халқ табобати тизими Шарқ табобатининг асосий қонунияти бўлган мизож таълимотига асосланади[1]. Замонавий тиббиёт билан қамраб олинган миллий соғлиқни сақлаш тизими эса мизож таълимотидан йироқда бўлган Ғарб тиббиётига асосланган. Диссертантнинг фикрича, халқ табобати билан замонавий тиббиёт ўртасида тафовутнинг юзага келишига ҳам айнан шу нарса сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда дунё миқёсида халқ табобати соҳасида икки хил ёндашув шаклланганлиги кузатилади. Биринчи ёндашувга кўра минг йиллар давомида тўпланиб келган ва тажрибага асосланган халқ табобати тизими мунтазам равишда тизимли тартибга солиниши, очиқ ва кенг қўлланилиши лозим. Иккинчи ёндашувда юқоридагидан фарқли ўлароқ, халқ табобати мистик, айрим инсонларга алоҳида қобилият сифатида берилган, наслдан-наслга ўтиб келадиган, ғайритабиий кучлар таъсирида бўлган восита сифатида тартибга солиб бўлмайдиган соҳа деб тавсифланади[2]. Диссертант эса халқ табобатининг ҳар қандай хурофотлардан холи бўлган амалий қисмини ҳуқуқий тартибга солиш мумкинлигини исботлаб беради.

---

[1] Ҳамроев М. Ўзбек халқ табобатининг назарий ва амалий асослари: монография /Тошкент.: 2015. – Б. 4.

[2] Казыбаева Н.И. О понятийно-правовых проблемах народной медицины в Кыргызстане // Вестник Кыргызско-Российского славянского университета. – 2017. –Т.17. № 11. –С.116-119

Тадқиқотчи “халқ табобати” тушунчасини таҳлил қилиш асносида қуйидаги умумий хулосаларни илгари суради:

биринчидан, тиббий фаолият (тиббий ёрдам) бу инсоннинг организми ва унинг алоҳида аъзоларини мустаҳкамлаш (лозим даражада бўлишини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш) ва сақлаб туриш (қайта тиклаш, ташхис қўйиш, даволаш)га қаратилган фаолиятдир;

иккинчидан, халқ табобатининг мақсади инсоннинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва касаллик пайдо бўлганда уни қайта тиклаш ҳисобланади;

учинчидан, ўзбек халқ табобати асрлар давомида халқ анъаналари асосида эътироф этилган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касалликларнинг олдини олиш, соғломлаштириш, ташҳис қўйиш, инсонни яхлит ўрганиш ва фақат табиий хом ашёлар билан даволаш ҳақидаги илмдир.

Биринчи бобнинг «**Ўзбекистонда халқ табобатининг тарихий-ҳуқуқий ривожланиш босқичлари»** деб номланган иккинчи параграфида халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларининг келиб чиқиш тарихи, хусусан, мамлакатимиз ҳуқуқий тизими шаклланишининг турли босқичларида бу борадаги ижтимоий муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Кўҳна Шарқ тибга оид қарашларнинг ҳам қадимий ўчоғи ҳисобланади. Туркий ва форсий тилларда сўзлашувчи халқларнинг оғзаки ижоди ҳамда “Авесто”даги далиллар буни аниқ тасдиқлайди. “Авесто”нинг барча қисмларида, хусусан, “Вендидод” да табобат соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг бурчи ва вазифалари, табобат амалиёти, касалликлар таснифи, уларнинг пайдо бўлиш сабаби ва омиллари, беморларни даволаш усуллари, доривор ўсимликлар, уларнинг таснифи, ноёб доривор гиёҳлар ҳақида анча қимматли маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, Авестонинг мазкур бўлимида уй-жой, атроф муҳит, табиатни муҳофаза қилиш, тоза тутиш, шахсий гигиенанинг турли жиҳатлари ҳақида ҳамон ўз қимматини йўқотмаган маслаҳатлар, тавсиялар кўп учрайди. Китобда табиб маданияти, ахлоқи, унинг касбига фидойилиги, табиб меҳнатини қадрлаш масалалари баёнига ҳам алоҳида саҳифалар ажратилган. Жумладан, табиб маънавий, руҳий жиҳатдан пок бўлмоғи, эътиқоди мустаҳкам, турмуш тарзи ҳам, либоси-ю асбоблари махсус суюқликда тозаланган, ўзи бир неча амалий тажрибалардан, синовдан ўтган бўлиши шарт.

Юқоридагилар билан бирга, «Авесто»нинг «Вендидод» қисмида бўлажак табибларни имтиҳон қилиш усуллари, табибларнинг ўзаро ҳамкорлиги, даволаш жараёнлари ва иш ҳақи (нархи), доривор гиёҳлар ҳақида маълумот берилган. “Авесто”нинг тиббиётга оид бўлимларининг қисқача таҳлилидан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда бундан уч минг йил олдин ҳам табиблар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим ва ўзига хос қоидалари мавжуд бўлган.

Диссертантнинг фикрича, мамлакатимиз ҳудудига Ислом маданиятининг кириб келиши табобат тарихида янги босқични бошлаб берган чунки, ислом дини табобатнинг ривожланишига хайриҳоҳ эди.

Қуръон ва ҳадисларда уй-рўзғор озодалиги, яъни тозаликка риоя қилиш, атроф муҳит покизалиги, табиатни муҳофаза қилиш, овқатланиш қоидалари, бадантарбия, мавжуд борлиқни тоза сақлаш, гиёҳвандлик, чекишдан, ичкиликдан ва ҳаром нарсалардан сақланиш, покиза ва тоза юриш, соғлиқни сақлаш мақсадида енгиллик ва рухсатлар берилгани каби ғоялар тарғиб этилади. Даволаш борасида бир қатор тавсиялари борки, улар имом Исмоил ал-Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" китобининг 4-жилдида махсус "Тиб китоби" тарзида жамланган[1].

Ўзбек хонликлари даврида табибларни имтиҳондан ўтказишнинг илмий услублари ишлаб чиқилган. Хусусан, имтиҳондан муваффаққиятли ўтган кишиларга шаҳодатнома (ижаза) бериш йўлга қўйилган.

Собиқ Шўролар даврида ота-боболардан мерос бўлиб келаётган кўплаб қадриятлар қатори халқ табобати қувғинга, қатағонга учраган эди. Табиблик фаолияти қораланиб, унга қарши курашиш мақсадида табиблик фаолиятини чеклаш тўғрисида расман қарор қабул қилинган.

Натижада, минг йиллар давомида шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар асосида фаолият юритиб келаётган, расмий тиббий маълумот тўғрисида дипломга эга бўлмаган халқ табобати вакиллари фаолиятига чек қўйилган ва хусусий амалиёт ёки қишлоқ жойларда яширин фаолият юритишга мажбур этилган. Истиқлол туфайли барча қайта тикланган ва тикланаётган қадриятлар қатори ўзбек халқ табобатининг асрий тажриба ва анъаналарини ўрганиш, уларни бугунги ҳаётимизга татбиқ этишга кенг йўл очилди. Айни пайтда, мамлакатимизда инсонларнинг тиббий хизматга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган қонунчилик халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлашган ҳолда такомиллаштириб борилмоқда.

Биринчи бобнинг **«Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишга оид замонавий концепциялар таҳлили»** деб номланган учинчи параграфида диссертант томонидан жамият учун даволашнинг қайси тизимларидан фойдаланиш самаралироқ?, деган савол ўртага ташланган ва олимлар ҳамда амалиётчи мутахассислар томонидан юритилаётган баҳс-мунозаралар асосан, қуйидаги учта концепция атрофида кечаётганлиги кўрсатиб ўтилган:

соғлиқни сақлаш соҳасида халқ табобатига устуворлик берадиган таълимотлар;

даволаш тизимида фақат замонавий ғарб тиббиётини қўлловчи таълимотлар;

халқ табобати ва замонавий ғарб тиббиёти элементларини ўзида уйғунлаштирган (интеграциялашган) ҳолда соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш лозимлиги тўғрисидаги таълимотлар.

Қайд этиб ўтилган даволаш тизимларидан қай бири жамият учун самарали эканлигини аниқлаш учун, диссертант томонидан уларнинг ҳар бирининг ижобий ва салбий томонлари, олимларнинг бу борадаги қарашлари таҳлил қилинган.

[1] Нурузова М. Инсон омилига яна бир эътибор // Шарқ табобати. № 3. 2018. –Б. 4.

Диссертантнинг фикрича, бугунги кунда илмий жамоатчилик ўртасида халқ табобатининг ҳуқуқий мақоми, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, бир нарса яққол равшанки, келажак медицинаси халқ табобати усуллари ва замонавий тиббиётнинг интеграциялашувидадир. Зеро, халқ табобати ва замонавий тиббиётнинг интеграциялашуви инсоният олдида даволашнинг кенг истиқболларини яратиб, табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро алоқадорликка ҳам зарар етказмасликка хизмат қилади.

Иккинчи боб **«Халқ табобатини тартибга солиш ва бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, унда халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсад ва вазифалари, халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш асослари таҳлили, халқ табобати соҳасини бошқариш ва мониторинг қилиш масалалари таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг **«Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришнинг мақсад ва вазифалари»** деб номланган параграфида тадқиқотчи томонидан замонавий тиббиётнинг ҳуқуқий механизмлари йилдан-йилга такомиллаштириб борилаётганлигига қарамасдан, тиббий хизмат кўрсатишнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган халқ табобати ҳуқуқий тартибга солинмай келинаётганлиги оқибатида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилаётган қуйидаги бир қатор муаммолар кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, халқ табобати хизматлари кўрсатиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар доирасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база етарлича яратилмаган, ўз-ўзидан табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий мақомига оид аниқ нормалар мавжуд эмас, шунингдек, халқ табобати усуллари билан даволовчи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назорати ўрнатилмаган;

иккинчидан, халқ табобати соҳасида хизмат кўрсатувчи шахсларнинг мижозлар соғлиғига зарар етказганлиги учун масъулияти ва жавобгарлиги белгиланмаган, шунингдек, халқ табобати вакилларининг ҳуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш кафолатланмаган;

учинчидан, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграциянинг тартиб ва механизмлари мавжуд эмас;

тўртинчидан, халқ табобати вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ва бошқа маълумотларни ўз ичига оладиган тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси яратилмаган;

бешинчидан, табиб билан мижоз ўртасидаги муносабатларга оид нафақат ҳуқуқ нормалари, балки муайян ахлоқ қоидалари ҳам шакллантирилмаган;

олтинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришнинг ҳуқуқий механизми мавжуд эмас, хусусан, ихтисосликлар йўналишларига халқ

табобати билан боғлиқ фанларнинг киритилмаганлиги бу борадаги илмий изланишларни амалга оширишда муайян тўсиқ бўлиб турибди.

Диссертант ушбу соҳада амалга ошириладиган асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: халқ табобати соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини жорий этиш, табиблар фаолиятини лицензиялаш, табибларга малакавий талабларни белгилаш ва уларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни жорий этиш, улар фаолиятини назорат қилиш кабилардан иборат бўлган давлат томонидан тартибга солиш шаклларини белгилаш; табиблар фаолиятининг рухсат этилган турларини белгилаш.

Мазкур бобнинг **«Халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш асослари таҳлили»** деб номланган параграфида диссертант аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, энг аввало, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларни муайян босқичларга ажратган ҳолда таҳлил қилган. Хусусан, тадқиқотчи, айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунида халқ табобати ва табиблик фаолияти гарчи инсонларнинг соғлиғига дахлдор бўлса-да, умуман эътироф этилмаганлигини таъкидлайди. Шунингдек, деярли барча хорижий мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунларида “халқ табобати”нинг ҳуқуқий таърифи келтириб ўтилганлиги, шу сабабли, ушбу Қонунда “халқ табобати” нинг ҳуқуқий таърифини ўзида ифодаловчи алоҳида модда киритилиши лозимлигини айтиб ўтади. Диссертант халқ табобати соҳасида тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали, хизмат кўрсатаётган табиблар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш мақсадида халқ табобати соҳасини мувофиқлаштирувчи ягона тузилмани ташкил қилиш заруратини кўрсатиб ўтади.

Диссертантнинг таъкидлашича, халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ҳаётга татбиқ этилиши, биринчидан, якка тартибда тиббий фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар ташкилий-ҳуқуқий шаклининг юридик шахсга ўзгариши натижасида тиббий фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар фаолиятининг такомиллашувига; иккинчидан, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифат жиҳатидан яхшиланишига; учинчидан, даволаш ва ташхис қўйиш стандартлари ҳамда санитария қоидалари ва меъёрларига қатъий риоя этилишига; тўртинчидан, қўшимча тиббий ходимларнинг қонуний иш билан таъминланишига; бешинчидан, хусусий секторда фаолият юритаётган тиббий муассасаларда меҳнат ва солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишдек муҳим конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишига олиб келади.

Ушбу бобнинг **«Халқ табобати соҳасини бошқариш ва мониторинг қилиш масалалари»** номли учинчи параграфида ҳозирги кунда клиник

протоколлар ва тиббий стандартларнинг мукаммал эмаслиги, шунингдек, инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг замонавий услуб ва ёндашувларини жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётганлиги, қайд этиб ўтилган камчиликлар айни пайтда халқ табобати соҳасига ҳам бирдек тааллуқли эканлиги айтиб ўтилган. Диссертантнинг фикрича, халқ табобати соҳасида фаолият юритаётган табиблар тўғрисида ҳаққоний маълумотлар йўқлиги ҳамда ишончли статистиканинг ягона базаси шакллантирилмаганлиги ушбу соҳанинг аҳволини муносиб баҳолаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга тўсқинлик қилмоқда. Шу боис бугунги кундаги долзарб масала ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга самарали жорий қилиш, хусусан, халқ табобати соҳасини бошқариш ва мониторинг қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратишдан иборат.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда “табиблар”, “дуохонлар”, “илгирлар”, “фолбинлар”, “кинначилар” каби кўплаб норасмий касб эгалари бўлиб, аҳоли уларнинг хизматидан тез-тез фойдаланиб туради. Сўнгги пайтларда уларга мурожаат қиладиганлар ва уларнинг хизматларидан фойдаланадиганлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Буни олимларнинг Бухоро вилоятида ўтказган сўровномаси натижаларида ҳам кўришимиз мумкин. Сўровномада иштирок этган 130 кишидан ҳар бири халқ табобати даволаш усулларидан фойдаланганлигини (доривор гиёҳлар, игна санчиш, дуохонлик, физиотерапия, массаж ва бошқалар) маълум қилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар ҳам бу соҳада хизмат кўрсатувчилар бўлган, бироқ уларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тақиқланган ва таъқиб остига олинганлиги сабабли улар яширин фаолият юритиб келган. Ҳозирги пайтда табобат соҳасида хоҳлаган одам хизмат кўрсатмоқда. Масалан, маълумоти жиҳатидан ўрганадиган бўлсак, кузатишларга кўра, табибларнинг атига 4 % и тиббий маълумот тўғрисида дипломга эга эканлиги маълум бўлди, қолганлари эса турли хил мутахассисликка эга бўлган шахслар, ҳаттоки умуман олий маълумотга эга бўлмаганлар ҳам бу соҳада бемалол хизмат кўрсатиб келмоқда. Қизиғи шундаки, аҳолига хизмат кўрсатаётган табиблар ичида “ветеринар” мутахассислигига эга бўлганлар кўпчиликни ташкил этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган “табиб”ларнинг кўпчилигида табиблик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи “рухсатнома”лари борлиги маълум бўлмоқда. Табибнинг фаолияти инсон ҳаёти ва соғлиғига қаратилган бўлишига қарамасдан, ушбу фаолият билан шуғулланиш учун рухсатнома олиш тартиб-таомиллари шу пайтгача қонунчиликда белгиланмаган эди. Буни ўз вақтида пайқаган айрим “ҳушёр” тадбиркорлар юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, ташкилот номларида “халқ табобати” деган сўзлардан фойдаланиб, турли марказлар, академиялар, жамиятлар ташкил этганлар. Ушбу тузилмаларнинг ҳар бири камида уч юздан минг нафаргача бўлган “табибларни” ўз сафида

бирлаштириб, уларнинг қўлига гўёки табиблик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи муайян кўринишдаги гувоҳномаларни маълум бир ҳақ эвазига бериб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, гувоҳнома бериш билан ушбу тузилмаларнинг "табиб" билан алоқаси тугайди. Бунда улар табиблар фаолияти устидан на муайян бошқарувни амалга оширадилар, на уларнинг фаолияти устидан мониторинг олиб борадилар. Бир сўз билан айтганда, ушбу тузилмалар "гувоҳнома сотиш" билан шуғулланадилар. Бугунги кунда бирор-бир давлат органи ушбу тузилмаларнинг ёки улар томонидан рўйхатга олинган табобат соҳасида хизмат кўрсатиб келаётган шахсларни доимий равишда назорат қилиш ва уларнинг мониторингини амалга ошириш фаолиятини олиб бормайди. Айни пайтда, бундай тузилмаларнинг сони кўпайганлиги сабабли ушбу ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатлар тўқнашуви, яъни носоғлом "рақобат" ҳам вужудга келмоқда.

Халқ табобати соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш, бошқариш ва мониторинг қилиш борасида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда халқ табобати илмини чуқур ўрганган ҳақиқий табиблар билан ушбу соҳа юзасидан юзаки билимларга эга бўлган, асосан, даромад манбаи сифатида қарайдиган фирибгар, сохта табибларни ажратиш бўйича аниқ мезон ва ҳуқуқий кўрсатмалар мавжуд эмас. Диссертантнинг фикрича, халқ табобати соҳасини мониторинг қилиш, ҳуқуқий баҳолаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали миллий соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобатининг интеграциялашувини таъминлаш ва аҳолининг саломатлигини асрашда ва мустаҳкамлашда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, соғлиқни сақлашнинг уйғунлашган тизимини яратиш лозим.

Тўртта параграфни ўз ичига олган учинчи боб **«Халқ табобатига оид халқаро ва хорижий тажрибанинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили»** деб номланиб, унда халқ табобати соҳасини тартибга солишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари, Шарқ мамлакатларида халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари, Ғарб мамлакатларида халқ табобатининг ҳуқуқий мақоми, МДҲ мамлакатларининг халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишга оид тажрибаси таҳлил этилган. Хусусан, ушбу бобнинг **«Халқ табобати соҳасини тартибга солишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари»** деб номланган параграфида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг ҳужжатлари (2002-2005 йилларга ва 2014-2023 йилларга мўлжалланган "Халқ табобати соҳасидаги стратегия", Халқ табобатиги бағишланган Конгрессида Пекин декларацияси), Европанинг "Саломатлик 2020" дастури таҳлил қилинган ҳамда халқ табобати соҳасига оид халқаро нормаларда белгиланган тавсиялар ва мажбуриятларни амалга оширишнинг миллий-ҳуқуқий ва ташкилий механизмларининг самарадорлигига эришиш истиқболли вазифа эканлиги таъкидланган.

Ушбу бобнинг «**Шарқ мамлакатларида халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган иккинчи

параграфида Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг халқ табобатини тартибга солиш борасидаги тажрибаси таҳлил қилинган. Шарқ мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобати муҳим ўрин тутади. Ушбу мамлакатларда халқ табобатининг барча жиҳатлари асрлар давомида сайқалланиб келган ва ҳозирги замон замонавий даволаш тизимининг ажралмас қисмига айланган. Айниқса, мамлакатимизда халқ табобатига хукумат даражасида эътибор қаратилаётган бугунги кунда соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва зарур ташкилий тадбирларни амалга ошириш жараёнида ушбу мамлакатларнинг тажрибаси қўл келади.

Ушбу бобнинг **«Ғарб мамлакатларида халқ табобатининг ҳуқуқий мақоми»** номли учинчи параграфида АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция каби мамлакатларнинг тажрибаси таҳлил қилинган. Халқ табобатига оид илмий адабиётларда халқ табобати усулларига бўлган қизиқиш ва эътибор, асосан, Шарқ мамлакатларида кўпроқ кузатилади, деган қарашлар мавжуд. Фан ва технологиялар тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, шу жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам энг замонавий технологиялар қўлланилаётган Ғарб давлатларида халқ табобатига ўрин йўқдек туюлса-да, соҳа жонкуярларининг саъй ҳаракатлари туфайли бугунги кунда даволашнинг ушбу турига нисбатан оқилона ва мутаносиб муносабат билдирилаётганлигини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, Америка тиббиёт ҳамжамиятининг ташаббуси билан АҚШ Муқобил (халқ табобати) тиббиёт миллий маркази ташкил этилган. Шунингдек, Европа Иттифоқи томонидан халқ табобати масалаларига оид Илмий ва техник тадқиқотлар олиб бориш бўйича Европа ҳамкорлиги лойиҳаси ишлаб чиқилган. Айни пайтда, Европа Иттифоқи аъзо давлатларни халқ табобатини тан олиш ва уни қўллаб қувватлашга чақирган. Албатта, халқ табобати усулларидан фойдаланиш Ғарб мамлакатларида турлича бўлиб, унинг ҳуқуқий мақоми тарихий, этник, маданий ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир. Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда халқ табобатининг оммалашуви айнан саноати ривожланган давлатларга тўғри келади. Ўрганишларга кўра, Канадада 70%, Австралияда 48%, Францияда 38% аҳоли халқ табобати усули ва дори воситаларидан фойдаланади. АҚШ да эса ҳар иккинчи фуқаро йил давомида камида бир марта бўлса ҳам ушбу соҳа вакилларига шифо истаб мурожаат қилади. Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, Европа мамлакатлари аҳолисининг 84%и халқ табобатига ишонч билан қарайди. Умумий амалиёт шифокорларига мурожаат қиладиган беморларнинг 60%и фитотерапия, гомеопатия, парафармацевтик препаратларни қўллаш кутилган натижани беради, деб ҳисоблайди .

Мазкур бобнинг **«МДҲ мамлакатларининг халқ табобатини ҳуқуқий тартибга солишга оид тажрибаси таҳлили»** номли тўртинчи параграфида Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилган. Халқ табобати Собиқ Иттифоқ даврида расман тан олинмади. Соғлиқни сақлаш тизимида асосий эътибор

замонавий тиббиётни ривожлантиришга қаратилган эди. Халқ табобати расмий жиҳатдан қонундан ташқари, деб эълон қилинган бўлса-да, амалда аҳолининг муайян қисми ушбу соҳа вакилларига мурожаат қилишда давом этиб келган. Собиқ Иттифоқ ўрнида юзага келган мустақил давлатларда замонавий тиббиёт билан халқ табобати интеграциялашган давлатларнинг ижобий тажрибаси асосида халқ табобатининг ҳуқуқий асосларини яратишга киришилди. Албатта, бунда МДҲ мамлакатларида халқ табобатини ривожлантиришга ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишга бўлган муносабат бир хил кечди, деб бўлмайди. Шу боис, диссертантнинг фикрича, мамлакатимизда халқ табобатининг ҳуқуқий асослари эндигина йўлга қўйилаётган айни пайтда, ушбу институтнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш борасида оз бўлса-да муайян амалиёт шаклланган МДҲ давлатларининг тажрибасини таҳлил қилиш ва шу асосда уларнинг эътиборга молик жиҳатларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ.

Диссертантнинг фикрича, МДҲ мамлакатларининг деярли барчасида халқ табобати расман тан олинган бўлса-да, амалда ушбу соҳада юзага келадиган муносабатларнинг кўп жиҳатлари қонунчиликда ўз ифодасини топмаган. Айтиш мумкинки, ушбу мамлакатларда халқ табобатининг институционал – ҳуқуқий асослари анча суст ривожланган. Хусусан, халқ табобати ва замонавий тиббиётни уйғунлаштириш, соҳа вакилларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқ белгилаш, ҳуқуқий асосларни кенгайтириш ва ривожлантириш, халқ табобати соҳасини маъмурий бошқариш каби масалалар шулар жумласидан.

Халқ табобатининг ҳуқуқий асослари юзасидан МДҲ мамлакатлари қонунчилиги тажрибаси ўрганилганда, айрим давлатларда ушбу соҳа алоҳида қонун билан, айримларида эса қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги кўринади. Сўнгги йилларда МДҲ олимлари томонидан халқ табобати ва уни ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси ҳар галгидан ҳам кенг муҳокама қилинмоқда. Бунда кимдир замонавий шароитда халқ табобатига зарурат йўқ деб, унга қарши фикр билдирса, бошқаси эса уни ёқлаб, ҳар қачонгидан ҳам халқ табобатига зарурат ортиб бораётганлигини исботлашга ҳаракат қилади. МДҲ мамлакатларида халқ табобати соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда илк қадамлар ташланган. Айни пайтда ушбу соҳадаги муносабатлар қамровининг кенглиги, соғлиқни сақлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эканлиги эътиборга олинадиган бўлса, ушбу мамлакатлар норма ижодкорлари олдида халқ табобати билан замонавий тиббиётни оқилона тарзда интеграция қилишга имкон берадиган ҳуқуқий асосларни яратиш вазифаси турибди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Ўзбекистонда халқ табобатининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари»** деб номланиб, унда халқ табобати соҳасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ҳамда Ўзбекистонда халқ табобатини ривожлантириш истиқболлари ёритилган.

Халқ табобати соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ушбу бобнинг **биринчи параграфида** таҳлил қилинган. Диссертантнинг фикрича, бугунги кунда фуқароларга соғлиқни сақлашнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари тизими томонидан кўрсатиладиган замонавий малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи қонунчиликда кафолатланган бўлишига қарамасдан, аҳолининг халқ табобати вакилларига мурожаатлари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Шунга мос равишда ушбу соҳада шуғулланувчи шахслар сони ҳам кўпаймоқда. Бугунги кунда ушбу фаолият билан расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда шуғулланувчи жисмоний шахслар сони 30 мингдан ошиб кетди.

Соҳа мутахассисларидан бири бўлган Ю.Сергеев бу борадаги ижтимоий муносабатларга оид долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

соғлиқни сақлаш тизими самарали ишлаши учун керакли шароит яратиш ва мазкур тизимни бошқариш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

муносабат субъектларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, юридик жавобгарлигини белгилаш;

фаолиятнинг қонуний амалга оширилишини таъминлаш;

алоҳида турдаги ва йўналишдаги даволашнинг ҳуқуқий режимларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Хусусий тиббиёт ривожланишида ютуқлар билан бирга, айни пайтда, халқ табобати соҳасидаги муаммолар, яъни ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, улар фаолиятини лицензиялаш масалалари, кўрсатиладиган хизмат турлари, уларнинг ҳажми, сифати, хизмат ҳақи каби ҳолатлар қонунчиликда тўлиқ тартибга солинмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, ушбу соҳадаги кўрсатилган хизматларнинг салбий оқибатларини суғурталаш хусусида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим олимлар ушбу соҳани ҳуқуқий доирага олиш, хусусан, мазкур фаолиятни фуқаролик ҳуқуқий доирасига олиш заруратига шубҳа билан қарайдилар. Хусусан, россиялик олим Т.Майорованинг фикрича, ушбу соҳани тартибга солиш қўшимча муаммоларни келтириб чиқаради. Бунда ушбу фаолиятни назорат қиладиган алоҳида орган ёки тиббиёт соҳасидаги ваколатли давлат органи таркибида қўшимча тузилма ташкил этиш учун бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш лозим бўлади[1]. Диссертантнинг фикрича, олимнинг ушбу фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки кундалик ҳаётда халқ табобати вакилларига минглаб фуқароларнинг мурожаат қилиши, улар томонидан замонавий тиббиёт кўп ҳолларда тан олмаган усулларни қўллаган ҳолда тиббий хизматларнинг кўрсатилиши ва бунинг оқибатида нафақат ижобий, балки салбий оқибатларнинг ҳам келиб

[1] Китаев Н. Магия и право: мифы и действительность// Рос.юстиция.-2001. - №12.-С.58.

чиқиши эҳтимолининг юқорилиги соҳани давлат назоратида бўлишини ва тегишли меъёрлар билан тартибга солишнинг заруратини келтириб чиқаради.

Тадқиқотчининг фикрича, тегишли қонунчиликда халқ табобати соҳасига оид фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ қуйидаги масалалар очиқ қолган ва улар ўзининг ҳуқуқий ечимини топмаган:

1. Халқ табобати мутахассислари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳамда бу хизматларга баҳолар қандай шаклланишининг мутлақо мавҳумлиги ушбу соҳадаги турли суистеъмолчилик ҳолатларининг келиб чиқишига замин яратмоқда ва истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

2. Амалиётда халқ табобати вакиллари ва уларнинг хизматларидан фойдаланувчилар ўртасида расмий шартнома тузилмаслиги сабабли жуда кўп ҳолатларда жабрланувчилар судга ва тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайдилар. Бунда шартнома ҳам оғзаки ҳам ёзма тарзда тузилишини эътиборга олсак, ушбу хизматлар учун шартномаларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келганлигини кўриш мумкин.

3. Ўз навбатида, ушбу соҳада шартномавий-ҳуқуқий базанинг етарлича шакллантирилмаганлиги тажрибали соҳа вакилларининг қонун доирасида фаолият олиб боришлари учун муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу ҳолат уларнинг ўз фаолияти доирасида амалга оширган хатти-ҳаракатларини суд томонидан ноқонуний, деб топилишидан доимо хавотирда бўлиб юришларига сабаб бўлади.

4. Халқ табобати мамлакат аҳолисининг асрлар давомида шаклланган умуммиллий бойлиги ҳисобланади. Айни пайтда, ушбу соҳада интеллектуал мулк ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари ҳам етарлича ҳуқуқий асосларга эга эмас. Бугунги кунда халқ табобатида қўлланиладиган даволаш усуллари, муайян доривор гиёҳларнинг шифобахшлиги ҳақидаги маълумотлар умумхалқ бойлиги, қадриятига айланган. Уларни муаллифлик ҳуқуқи ҳам айнан халққа тегишли. Биронта ҳам халқ табобати вакили бу борада ўз муаллифлик ҳуқуқига даъвогарлик қилишга ҳақли эмас. Муаммо шундаки, бугунги кунда ушбу даволаш усуллари расман рўйхатга олинмаган ва уларнинг ягона реестри юритилмайди.

5. Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида беморга нотўғри даволаш оқибатида етказиладиган моддий ва маънавий зарар учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари муайян даражада тартибга солинган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфида Ўзбекистонда ҳалқ табобатини ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинган. Унда диссертант томонидан халқ табобатини ривожлантириш истиқболлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан мулоҳазалар ва таклиф-тавсиялар илгари сурилган. Хусусан, “халқ табобати”, “анъанавий тиббиёт”, “муқобил тиббиёт”, “норасмий тиббиёт”, “қўшимча (комплементар) тиббиёт”, “Шарқ табобати”, “Ғарб табобати” терминларини

бирхиллаштириш, яъни бунда “халқ табобати” атамасини қўллаш лозимлиги, халқ табобати соҳасидаги муаммоларни тизимли равишда ўрганиб бориш учун муайян илмий тадқиқот институти ёки марказини ташил этиш зарурлиги, Ўзбекистонда халқ табобатини ривожлантиришнинг яқин 10 йилга мўлжалланган миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва ушбу миллий стратегия асосида Ўзбекистонда халқ табобатини ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларини белгилаб олиш каби таклифлар шулар жумласидан.

Диссертант томонидан тадқиқотда илгари сурилган таклиф ва тавсияларнинг аксарияти жамоатчилик фикри натижалари билан асосланган. Хусусан, тадқиқот доирасида 400 дан ортиқ фуқаролар иштирокида сўров ўтказилган. Сўров орқали, тадқиқот иши жараёнидаги айрим баҳс-мунозарали масалаларда муайян хулосаларга келиш, шунингдек илмий изланишлар якуни бўйича яратилган ғоялар юзасидан жамоатчилик вакилларининг муносабати ўрганилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур социологик тадқиқотга халқ табобати соҳаси вакиллари ва замонавий тиббиёт вакиллари кенг жалб қилинган.

Тадқиқот якунида эришилган натижалар, шакллантирилган янги ғоя ва қарашлар, илгари сурилган таклиф ва тавсиялар диссертациянинг хулоса қисмида баён этилган.

ХУЛОСА

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда халқ табобатининг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, бу соҳани давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш бўйича амалга оширилган тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

I.Илмий-назарий хулосалар.

1. Халқ табобати соҳасида қўлланиладиган асосий тушунчаларга қуйидаги таърифлар ишлаб чиқилди:

халқ табобати – асрлар давомида халқ анъаналари асосида эътироф этилган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, касалликнинг олдини олиш, саломатликни асраш, ташхис қўйиш ва даволаш усулларидан иборат мизож таълимотига асосланган амалий фаолият;

табиб – халқ табобати соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга, яъни тиббий маълумотга, тегишли рухсатномага эга бўлган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган анъанавий табобат амалиёти билан шуғулланувчи шахс;

халқ табобати дорилари – халқ табобатида саломатликни асраш ва даволашда фойдаланиладиган, зироат, ҳайвонот маҳсулотлари ва маъданлардан иборат табиий дорилар;

халқ табобати дорилари турларининг ягона рўйхати – халқ табобатида қўлланиладиган ва расман эътироф этилган дориларнинг рўйхати;

халқ табобати дориларининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома – ягона рўйхатга киритилган халқ табобати дориларининг амалиётда қўлланишини тасдиқловчи ҳужжат;

доригарлик фаолияти – халқ табобати дорилари ва табобат анжомларини яратиш борасида ижодий изланишлар олиб борувчи, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, истеъмолга мувофиқлаштириш ва амалиётга татбиқ қилишга оид фаолият;

халқ табобати дорихоналари – халқ табобати дориларини тайёрлаш, қадоқлаш, сифатини назорат қилиш, даволаш ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дорилар ва табобат анжомларини, шифобахш озуқаларни, гиёҳларни харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи муассаса.

доринома – табибнинг халқ табобати дорихонасига ёки доригарга дори тайёрлаб бериш ва ундан фойдаланиш усули қайд этилган номаси.

2. Халқ табобатига оид тарихий адабиётларда келтирилган касаллик турлари ва уларни даволашда қўлланиладиган доривор гиёҳларнинг номлари араб тилида ёки кенг оммага тушунарсиз бўлган бошқа истилоҳларда берилган. Масалан, биргина Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида 800 дан ортиқ доривор гиёҳлар номлари ва улардан турли касалликларни даволашда қўлланиладиган рецептлар (дориномалар) келтириб ўтилган. Бу истилоҳларни фақат тор доирадаги мутахассис табибларгина тушуниши мумкин. Шу сабабли, бизни қадимги табобат тарихи ва ҳозирги замонавий илмий тиббиёт билан боғлаб турувчи ўзига хос кўприк вазифасини ўтайдиган табобатга оид араб ва бошқа тиллардаги истилоҳ ва ибораларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари берилган қомусий луғатларни яратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3. “Халқ табобати” тушунчасини таҳлил қилиш асосида қуйидаги умумий хулосаларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, тиббий фаолият (тиббий ёрдам) бу инсоннинг организми ва унинг алоҳида аъзоларини мустаҳкамлаш (лозим даражада бўлишини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш) ва сақлаб туриш (қайта тиклаш, ташхис қўйиш, даволаш)га қаратилган фаолиятдир;

иккинчидан, халқ табобатининг мақсади инсоннинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва касаллик юзага келганда уни қайта тиклаш ҳисобланади;

учинчидан, ўзбек халқ табобатининг мамлакатимиз тиббиёт тизимида расман тан олиниши ва табибларимиз ҳуқуқий мақомининг белгиланиши бизнинг бугунги маънавий қиёфамиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлик мустаҳкам ҳаётий асосга эга эканлиги билан аҳамиятлидир.

4. “Халқ табобати соҳасидаги мониторинг” тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: «Халқ табобати соҳаси мониторинги – бу ваколатли давлат ҳокимияти органлари ёки жамоатчилик тузилмаларининг ушбу соҳага оид қонунчиликни ҳамда халқ табобати даволаш усулларини қўллаш амалиёти ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ривожланиш истиқболларини илмий башорат қилишга қаратилган тизимли фаолиятидир».

5. Ҳуқуқшунослик фанлари доирасида халқ табобати соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик масалалари, халқ табобатига оид муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари, халқ табобатини

маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, халқ табобати ва замонавий тиббиёт интеграциялашувини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари каби мавзуларда махсус тадқиқотлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

6. Халқ табобати ва замонавий тиббиёт ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни (интеграцияни) кучайтириш мақсадида тиббиётга ихтисослашган олий ўқув юртларида халқ табобати соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган факультетлар очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

II. Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш юзасидан шу кунга қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида илгари сурилган таклифлар:

1. Халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли давлат органини белгилаш зарурлиги асослантирилди.

2. Халқ табобати инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи билан бевосита боғлиқ фаолият бўлганлиги боис ушбу фаолият турини лицензияланадиган фаолият турлари рўйхатига киритиш лозимлиги асослантирилди.

3. Халқ табобати соҳасида илмий тадқиқотларни олиб бориш, Ибн Синонинг бой илмий-ижодий меросини ҳар томонлама ўрганиш ва тиббий туризмни ривожлантириш каби мақсадларда Бухоро вилояти Пешку туманида Абу Али ибн Сино мероси мажмуасини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурияти асослантирилди.

4. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига «Табиб» деган янги банд киритиш зарурлиги асослантирилди

5. Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига алоҳида «Халқ табобати» деган ихтисослик турларини киритиш зарурлиги асослантирилди.

6. Халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмларини белгилаб қўйиш зарурлиги асослантирилди.

7. «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилиши зарурлиги асослантирилди:

«Шунингдек, тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг хулосаси асосида халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади».

III. Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар.

1. Халқ табобати соҳасидаги муаммоларни тизимли равишда ўрганиб

бориш учун муайян илмий тадқиқот институти ёки марказ ташкил этиш лозим. Мазкур тузилманинг вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш тавсия этилади: халқ табобатига оид илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб бориш; соҳада юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими бўйича тегишли давлат органларига доимий равишда таклиф ва тавсиялар киритиб бориш; хорижий илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш; соҳани ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; қонунчилик ва дастурларда белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, халқ табобати соҳаси бўйича нашр этилаётган адабиётларнинг илмий экспертизасини амалга ошириш ва чоп этишга рухсат бериш; халқ табобатида қўлланиладиган усуллар ва дори воситаларини мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан муайян хулосалар бериш ва бошқалар.

2.Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва соғлиқни сақлаш соҳасида ягона кодекс қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Кодексда халқ табобати соҳасини тартибга солишга қаратилган алоҳида бўлим ажратилиши ва унда қуйидаги масалалар ўз ифодасини топиши лозим:

халқ табобатига оид асосий тушунчаларнинг изоҳи;

халқ табобатининг объекти, мақсад ва вазифалари;

халқ табобати соҳасига оид асосий тамойиллар;

халқ табобатини амалга ошириш шакллари;

халқ табобати билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари;

халқ табобати билан шуғулланувчи шахсларнинг мажбуриятлари;

халқ табобати соҳаси вакилларининг жамоат бирлашмаси;

халқ табобати соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқи;

халқ табобати соҳасидаги ташкилотлар, муассасаларни тузиш ва тугатиш;

халқ табобати фаолияти, дори воситалари ва бу соҳада хизмат кўрсатиш усуллари ҳақида ахборотлар бериш тартиблари;

халқ табобати дори воситаларига қўйиладиган талаблар, клиник синовдан ўтказиш, давлат рўйхатидан ўтказишга оид қоидалар ва бошқалар (кодексга киритиладиган бўлим лойиҳаси диссертацияга илова қилинади).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида” ги 405-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга хориж тажрибаси, бизда қарор топган қадриятлар ва энг муҳими, объектив реалликни эътиборга олган ҳолда лицензияни фақат юридик шахсларга эмас, балки тегишли малака сертификатига эга бўлган табибларга ҳам бериш мумкинлиги тўғрисидаги нормани киритиш зарур.

4. Халқ табобати вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Халқ табобати уюшмаси (ассоциацияси)ни ташкил этиш лозим. Уюшманинг уставида (Устав лойиҳаси диссертацияга илова

қилинади) қуйидагиларни назарда тутиш тавсия этилади:

халқ табобати соҳасида фаолият юритиб келаётган турли хил академиялар, марказлар, жамиятларни тугатиш ва уларнинг аъзоларини уюшмага тўлиқ қамраб олиш лозим, чунки ушбу тузилмалар ташкилий-ҳуқуқий шакл жиҳатдан тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлар. Шу боис уларнинг ҳозирги кунда олиб бораётган фаолияти нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти талабларига жавоб бермайди;

уюшма ҳузурида Илмий маслаҳат кенгаши ва эксперт гуруҳларини тузиш, табибларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув курсларини ташкил қилиш лозим;

уюшмага табибларни ягона реестрини юритиш ва унга киритилган табибларга малака сертификатларини бериш, халқ табобатига оид аҳлоқ қоидаларини бузган табибларни реестрдан чиқариш, табибларни рағбатлантириш, илмий конфереция ва анжуманлар ўтказиш, экспертлик хулосаларини тайёрлаш, халқаро конференциялар ўтказиш, халқ табобати соҳасидаги адабиётларни нашрга тавсия қилиш, халқ табобати соҳасида турли адабиётлар чоп этиш, халқ табобати соҳасидаги қўлёзма адабиётларни таржима қилиш, аҳолига тушунарли бўлиши учун халқ табобатида қўлланиладиган усуллар ва доривор гиёҳларнинг изоҳли луғатини яратиш ишларини ташкил қилиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ;

халқ табобати соҳасидаги даволаш усуллари ва дори тайёрлаш рецептларини умумлаштириш ва хатловдан ўтказиш, соҳага оид масалалар юзасидан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва бу борада таклифлар тайёрлаш, далат ҳокимияти органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларига киришиш ва бошқалар.

5. Халқ табобати лицензияланадиган фаолият сифатида эътироф этилганлиги боис, ушбу соҳада фаолият юритадиган тегишли юридик ва жисмоний шахсларга жавобгарлик ўрнатиш механизмларини (норма ва қоидалар, техник инструкциялар, стандартлар) ишлаб чиқиш лозим.

6. Мамлакатимизда халқ табобатида қўлланиладиган даволаш усуллари ва доривор гиёҳлардан тайёрланадиган дорилар рецептларининг ягона миллий реестрини яратиш керак. Бунда ушбу реестрга кирмаган даволаш усулини ёки бирор-бир дорининг рецептини яратган шахсга муаллифлик ёки патент ҳуқуқини бериш тартибларини ишлаб чиқиш зарур.

7. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб халқ табобати соҳасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг самарали йўлларидан бири сифатида халқ табобатида қўлланиладиган формулалар, яъни дориномалар таркиби, уларни тайёрлаш усуллари тўғрисидаги маълумотларни ноқонуний ўзлаштирилишининг олдини олиш мақсадида халқ табобати соҳасидаги билимларнинг рақамли кутубхонасини ташкил этиш лозим.

8. Айни пайтда халқ табобатида қўлланиладиган кўпчилик дори воситалари клиник синовлардан ўтмаган ва яқин келажакда бундай синовдан

ўтиши мумкинлиги аниқ эмас. Чунки халқ табобатининг табиий шифобахш гиёҳлардан тайёрланган ва шифобахш озуқалар сирасига кирадиган даволаш воситаларининг сунъий-кимёвий дори воситалари нуқтаи назаридан талқин қилиниши мутлақо нотўғридир. Шу боис ўзбек халқ табобати доришунослик илми нуқтаи-назаридан баҳоланадиган махсус меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилиши лозим.

9. Маҳаллий фармацевтика компанияларига ўзбек халқ табобатининг қадимий қўлёзмалари асосида, шифобахш воситалар таркибини қайта тиклаш мақсадида, халқ табобатига оид мумтоз китобларда рецептлари ёритилган ўсимликлардан тайёрланадиган дори-дармонларнинг клиник ёки токсикологик маълумотларини олдиндан тақдим этмасдан ишлаб чиқаришга рухсат бериш лозим.

10. Кимёвий-сунъий дори воситаларининг инсон танасига салбий таъсири асоратларини эътиборга олиб, имкон қадар табиий воситалар ёрдамида даволашнинг миллий имкониятлари ва жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, бутун мамлакат бўйлаб халқ табобати дорихона ва шифохоналарини ташкил этиш зарур.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РУСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РУСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ХОННАЗАРОВ РУЗИМУХАММАД АБДИКАХОРОВИЧ

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И УПРАВЛЕНИЕ ГОСУДАРСТВОМ НАРОДНОГО МЕДИЦЫНОЙ

12.00.02 – Конституционное право. Административное право. Финансовое и таможенное право.

АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам

Ташкент – 2019

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B 2017.3.Dsc/Yu57 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Докторская диссертация выполнена в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.dba.uz/uz/content/avtoreferatlar) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	**Ташкулов Журабой Уринбоевич** доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Турсунов Ахтам Саломович,** доктор юридических наук, профессор
	Исмоилова Гулноза Сайдиганиходжаевна, доктор юридических наук, доцент
	Жураев Бахром Ишмирзаевич, доктор юридических наук
Ведущая организация:	**Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «___»_____ 2019 года в ____часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.23.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрировано № ___). (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 г.
(протокол реестра рассылка №____ от «____» _____ 2019 года).

О.Т. Хусанов
Председатель Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, профессор

А.Э. Йулдошев
Секретарь Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, кандидат юридических наук, доцент

И.Т. Тультеев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, доцент

ВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертацияси)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблема правового регулирования и управления сферы народной медицины, являющейся важным направлением системы здравоохранения мировых стран, все более имеет актуальное значение. Почти в 130 мировых странах народная медицина имеет правовое статус. Основной целью является обеспечение конституционных прав граждан на квалифицированную медицинскую услугу, а также осуществление международных правовых норм о том, что «Здоровье определяет физическое, духовное и социальное состояние нации», определенных в Уставе Всемирной организации здравоохранения и Пакте об экономических, социальных и культурных правах.

В мире проводятся ряд исследований по правовому регулированию и управлению в сфере народной медицины. В частности, Стратегия ВОЗ в области народной медицины на 2002-2005 гг., 2014-2023 гг., Пекинская декларация 2008 года, направленная на регулирование сферы народной медицины, в которых серьёзное внимание уделяется вопросам совершенствования организационно-правовых и институциональных механизмов, правового регулирования сферы народной медицины. Поэтому в этой сфере разработка национальных программ законодательного характера и внедрение на практике, осуществление исследований, направленных на создание встречной системы, позволяющей эффективно использовать народную медицину в системе здравоохранения, а также осуществление конституционных прав и свободу граждан в сфере здравоохранения имеет не только научное знание, но и практическое.

Наряду с обновлением и изменениями, внедрением целевых программ в системе здравоохранения страны, осуществляется развитие народной медицины, оставшуюся нам в наследие от предков, правовое регулирование, широкомасштабные реформы, направленные на формирование законодательной системы по данной сфере. За короткий период времени руководителем страны Ш.Мирзиеевым были приняты около 130 нормативно-правовых документов. В частности, за последние два года приняты 50 Указов, постановлений и распоряжений Президента Республики Узбекистан, более 70 постановлений и распоряжений Кабинета Министров Республики Узбекистан. Принципы совершенствования сферы здравоохранения и социальной защиты отражены также в пункте 4.2. «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 годах».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Законах Республики Узбекистан, Указах и Постановлениях Президента и Кабинета Министров Республики Узбекистан. Таких, как: Закон Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан», Кодекс Республики Узбекистан «Об административной

ответственности», Уголовный кодекс Республики Узбекистан, Указ Президента Республики Узбекистан «О поддержке международного фонда Ибн Сино» № УП-2171 от 6.01.1999 г., Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения»
